

**"ТАСДИҚЛАНГАН"  
“Худудий электр тармоқлари” АЖ  
Ягона акциядорининг  
2019 йил 29 июлдаги З-сонли  
қарори билан**

**«HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI» АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

**Тошкент – 2019 й.**

<u>I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР</u>	3
<u>II. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ</u>	3
<u>III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТУГАТИШ</u>	9
<u>IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ</u>	10
<u>V. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГ МАЖЛИСЛАРИ</u>	11
<u>VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ</u>	15
<u>VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГ ЖАВОБГАРЛИГИ</u>	16
<u>VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР</u>	17

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг (Кейинги ўринларда - Жамият) Устави ва Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон мажлиси баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият Кузатув кенгашининг мақомини ва фаолиятини, унинг аъзоларини сайланиши, шунингдек уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Кузатув кегаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, фақат қонун ҳужжатларида ва жамият уставида акциядор ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун Кузатув кенгашининг раиси томонидан амалга оширилади.

## **II. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ**

4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига қўйидагилар киради:

Жамият фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаган ҳолда, Жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоратадбирлар тўғрисида Жамият ижро органининг ҳисоботини мунтазам тинглаш;

акциядорга кўриб чиқиши учун масалалар киритиш, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунининг 65-моддаси 11-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядор томонидан кўриб чиқилиши учун масалаларни тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни ҳал қилиш учун акциядор муҳокамасига киритиш;

мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Жамият Ижро органи аъзоларини сайлаш ёки тайнинлаш (унинг раисидан ташқари), уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

танловни эълон қилиш тартибларини тавсифлаган ва танловни ўтказиш қоидаларини тасдиқланган ҳолда Ижроия органи раҳбари ва унинг аъзолари лавозимига танловни ташкил этиш ҳамда объектив танлов меъзонлари асосида замонавий фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали менеджерларни ва шунингдек чет эл менеджерларини ишга қабул қилиш;

жамиятнинг ижро этувчи органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарори билан белгиланган самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари билан боғлаган ҳолда белгилаш;

корпоратив маслахатчини тайинлаш ва унинг фаолият тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

Жамиятнинг йиллик Бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда, келгуси йил учун Жамиятнинг бизнес-режаси жорий йилнинг 1-декабридан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида тасдиқланиши лозим;

ички аудит ҳизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботини тинглаш;

Жамиятнинг ижро этувчи органи фаолиятига оид ва Жамият Кузатув кенгашига юкланган вазифаларни бажариш учун ижро этувчи органдан ҳар қандай ҳужжатларни олиш. Олинган ҳужжатлар Жамият Кузатув кенгashi ва унинг аъзолари томонидан фақат хизмат мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

аудит текшируванин ўтказиш бўйича, шу жумладан ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган Жамият молиявий ҳисоботининг ташки аудитини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматлари учун тўловнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган иш ҳаки ва компенсация миқдори бўйича тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби бўйича тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

шўба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида тузилади);

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ғимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига биноан баланс қолдиқ қиймати ёки сотиб олиш қиймати бундай битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб Жамиятнинг соғ активларининг ўн бешдан эллик фоизгача бўлган мулклар юзасидан тузиладиган йирик битим бўйича қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига биноан Жамиятнинг аффилланган шахси билан битим тузиш бўйича қарор қабул қилиш;

тижорат ва нотижорат ташкилотларда жамиятнинг иштироки билан боғлиқ битимларни қонунда белгиланган тартибда тузиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга конвертация қилинадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозлар хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисида, шунингдек, Жамиятнинг устав фондининг (устав капиталининг) кўпайиши ва Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонининг камайиши билан боғлиқ Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича масалалар тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) чиқариш тўғрисидаги қарорни ва эмиссия рисоласини тақдиқлаш;

қимматли қоғозларни (акцияларни, облигацияларни) чиқариш тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (биржада ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозорига жойлаштириш) нархини белгилаш;

ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

хайрия (хомий) ёки бепул ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни танлов асосида жалб қилиш;

5. Корпоратив бошқарув Кодексининг тавсияларини жорий этиш учун Жамиятнинг Кузатув кенгаши қўйидагиларни амалга оширади:

Жамиятда тузилган ижро этувчи ва ички назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва агар керак бўлса Жамиятни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишини ташкил этиш ва уларда кўрсатилган мақсадларга эришилишини назорат қилиш учун мутахассисларни жалб қиласди;

Жамият ташкилий тузилмасинининг қонунчилик талабларга мувофқилигини баҳолаб бориш ва шунингдек халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ йиллик молиявий ҳисоботларни эълон қилинишига ўтишини таъминлаш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларининг жорий этилиши ва бажарилишини назорат қилиш.

6. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТУГАТИШ**

8. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ягона акциядор томонидан қонунчилик ва жамият уставига мувофиқ ҳолда бир йил муддатга сайланади.

9. Жамият Кузатув кенгашининг микдорий таркиби Жамият Уставида белгиланади. Шу билан бирга, Жамият Кузатув кенгаши таркибига камида битта мустақил аъзо (лекин унинг уставида назарда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) киритилади.

10. Кузатув кенгаши таркибига камида битта мустақил аъзо (лекин унинг уставида назарда тутилган Кузатув кенгаши аъзолари сонининг камида 15 фоизидан кма бўлмаган) киритилади. Бунда мустақил аъзо номзодини кўрсатиш акциядор томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг мустақил аъзоси номзоди кўрсатилмаган тақдирда, Кодекснинг ушбу тавсиясига риоя қилмаслик сабаблари тўғрисида маълумот эълон қилинади.

11. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари мезонлари корпоратив бошқарув кодексида белгиланган.

12. Шахслар, Жамият Кузатув кенгашига таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

13. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва унинг аъзолари Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

14. Жамиятда меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган шахслар Жамият Кузатув кегашининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

15. Кузатув кенгашининг сайланган аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорнинг қарори билан амалга оширилади.

16. Жамият Кузатув кенгашига сайланадиган шахслар корпоратив бошқарувчи малака сертификатига (давлат улуши бўлган жамиятлар учун) эга бўлишлари керак.

17. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

18. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони Жамият Кузатув кенгашига сайланадиган шахслар сонига қўпайтиради ва акциядор битта номзод учун беришга ёки уларни икки ёки ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

19. Энг кўп овоз олган номзодлар Кузатув кенгашига сайланган деб хисобланади.

### **IV КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ**

20. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари орасидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

21. Жамия Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қайта сайлаш ҳуқуқига эга.

22. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил қилади, Кузатув кенгаши мажлисими чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баён юритилишини ташкиллаштиради, акциядорларнинг умумий йиғилишига раислик қилади.

23. Жамият Кузатув кенгашининг раиси йўқлигига унинг функцияларини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

## **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ**

24. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши раисининг ташаббуси, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижро этувчи орган аъзосининг ва жами бўлиб Жамиятнинг овоз бериш хукуқига эга бўлган акцияларнинг камида бир фоиз эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) талабига биноан чақирилади.

25. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Мажлисда қуидагилар кўриб чиқилади:

ижро органининг Жамиятнинг йиллик Бизнес-режасини бажарилиши, Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилган чоратадбирлар тўғрисида, амалга оширилган ишлар ва корхона таркибида кирадиган корхоналар фаолияти кўрсаткичларига эришиш тўғрисида ҳисоботи;.

ички аудит ҳисботи;

Жамиятнинг ффилланган шахслари билан тузилган битимлар ва йирик битимлар мавжудлиги тўғрисида тафтиш комиссиясининг хulosаси, шунингдек, ушбу битимларнинг қонун хужжатлари ва Жамият ички хужжатлари талабларига риоя қилинган ҳолда тузилганлигини кўриб чиқиш;

26. Жамият Кузатув кенгашининг йиғилишини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашининг сайланган аъзолари сонининг камида етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

27. Кузатув кенгаши аъзолари сони Жамият уставида назарада тутилган аъзолар сонининг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришга мажбурдир. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиш хукуқига эга.

28. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисидага қарорлар иштирок этганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва жамият уставида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалаларни ҳал қилишда, Кузатув кенгашининг ҳар бип аъзоси битта овозга эга.

Жамият Кузатув кенгаши раиси, Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда ҳал қилувчи овозга эга.

Жамият устав фондини (капиталини) қўпайтириш ва уставга тегишли ўзгартиришларни киритиш масалалари бўйича қарорлар Жамият Кузтаув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

29. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси томонидан овозларни Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга ўтказишга йўл қўйилмайди.

30. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан кейин ўн кундан кечиктирмай тузилади.

31. Мажлис баённомасида қуидагилар акс эттирилади:

- мажлиснинг ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- йиғилишда қатнашадиган шахслар;
- мажлис кун тартиби;
- овозга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш натижалари;
- қабул қилинган қарорлар.

32. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган ва баённоманинг тўғрилиги учун жавобгар бўлган Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

33. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамият Бошқарув раисига ижро этиш учун тақдим этилади. Агар Кузатув кенгаши масалаларни Ягона акциядорнинг кўриб чиқишига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилса, ушбу қарор тўғрисидаги маълумотлар Жамият Бошқарув раисига Кузатув кенгаши мажлиси ўтказиган куни берилади.

1. *Заседание наблюдательного совета может быть проведено опросным путем, за исключением заседания, в котором заслушивается отчеты ревизионной комиссии, службы внутреннего аудита и исполнительного органа. При этом решения наблюдательного совета Общества могут быть приняты заочным голосованием (опросным путем) всеми членами наблюдательного совета единогласно.*

34. Кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилиши мумкин, фақат Тафтиш комиссияси, ички аудит ва ижро этувчи орган ҳисботлари тингланадиган йиғилиш бундан мустасно. Бундай ҳолда, Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилиниши мумкин.

Техник воситалар, Кузатув кенгаши аъзоларини аниқлаш воситалари ва бошқа жихозлар мавжуд бўлганда, Кузатув кенгашининг мажлислари видеоконференция орқали ўтказилиши мумкин.

## **VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

35. Кузатув кенгаши аъзолари қуидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгашининг мажлисларида шахсан қатнашиш, мажлисда муҳокама қилинган масала бўйича регламентда белгиланган муддат доирасида сўзга чикиши;

- Кузатув кенгашининг қарори билан малум давр ичида Жамиятнинг фаолияти тўғрисида ва уни ривожлантириш режаси тўғрисида маълумот олиш;

-қонунчилик ва жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда Кузатув кенгаши аъзолиги билан боғлиқ вазифаларни бажарганлиги учун мукофот ва (ёки) товон пули олиш.

- қонун ҳужжутларида ва жамият уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар;

- Кузатув кенгаши ҳузурида тегишли масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гурухлар) тузиш, шу жумладан низоли вазиятлар, аудиторлик, ходимлар ва бошқа масалалар бўйича.

36. Кузатув кенгаши аъзоси қуидагиларга мажбурдир:

- Жамиятнинг аффиланган шахслари томонидан таклиф этилаётган битим тўғрисидаги маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдиришнома юбориш орқали Жамият томонидан ушбу битимга алоқадорлиги тўғрисида Жамиятни хабардор қилиш;

- ўз вазифаларини вижданан, шунингдек Жамият манфаатлари учун энг мақбул деб ҳисобланган тартибда бажариш.

- қонун ҳужжатларида ва Жамият уставида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

37. Кузатув кенгаши аъзолари Жамиятнинг имкониятларидан (мулкий ёки номулкий ҳуқуқлардан, иқтисодий фаолият соҳасидаги имкониятлардан, Жамият фаолияти ва режалари тўғрисидаги маълумотлар) шахсий бойиш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар,

## VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

38. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилишлари ва қонунлар ва жамият уставига мувофиқ жамият олдида жавоб берадилар.

39. Агарда бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги умумий тарзда солидар ҳисобланади.

40. Овоз беришда қатнашмаган ёки Жамиятни зарап кўришига олиб келган қарорга қарши овоз берган Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликка тортилмайди, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида ”ги Қонунининг 90-моддасида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

41. Жамият ёки жамиятнинг муомалада бўлган акцияларининг камида бир фоизига эгалик қиласидан акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган

зарарни қоплаш түғрисида Кузатув кенгаши аъзосига қарши даво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

42. Кузатув кенгаши аъзоларини моддий раҳбатлантириш Жамиятнинг “Кузатув кенгаши аъзоларига иш ҳақи тўлаш тартиби түғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

43. Жамиятнинг тегишли бўлинмаси Кузатув кенгаши аъзоларини зарур материаллар ва маълумотлар билан таъминлаш, шунингдек акциядор ва инвесторлар билан алоқалар учун масъул ҳисобланади.

Секретарь, назначенный акционером или наблюдательным советом, является также секретарём наблюдательного совета компании и на него возлагаются следующие обязанности:

Акциядор ёки Кузатув кенгаши томонидан тайинланган котиб, шунингдек, жамият Кузатув кенгашининг котиби ҳисобланади ва унга қуидаги мажбуриятлар юклатилдаи:

- Кузатув кенгаши аъзолари, ижро этувчи орган ва тафтиш комиссияси ўртасидаги ўзаро харакатлар учун контакт шахс сифатида ҳаракат қилиш;
- Кузатув кенгаши мажлислари учун тегишли маълумот ва хужжатларни тайёрлаш;
- акциядорга тақдим этиш учун хужжатларни тайёрлаш;
- Кузатув кенгаши номидан киритилаётган масалалар бўйича қарор лойиҳаларини акциядорга кўриб чиқиши учун тақдим этиш;
- акциядор томонидан қабул қилинган қарорларни, кузатув кенгаши, ижро органи, тафтиш комиссияси, ички аудиторга етказиш;
- Кузатув кенгаши мажлисларида котиб ва акциядор учун иш юритиш вазифалприни бажариш;
- Кузатув кенгаши мажлиси баённомаларини юритиш;
- Кузатув кенгашининг баённомасини мажлис ўтказилгандан кейин 10 кундан кечиктирмасдан тузиш;
- Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш учун хужжат ва маълумотлар тайёрлаш ва мажлисларга тайёрланиш босқичида Кузатув кенгаши аъзоларини иш материаллари билан таништиришни таъминлаш;
- Кузатув кенгаши мажлислари ва акциядорлар учун материалларни тегишли шаклда ва дизайнда тайёрланишини таҳъминлаш;
- Кузатув кенгаши аъзоларига ва ижроия орган раҳбарларига Кузатув кенгаши мажлислари учун тайёрланган материалларни тарқатиш.

Ўз вазифасини бажарганлиги учун акциядор ёки Кузатув кегаши томонидан тайинланган котиб, Кузтаув кенгаши ёки акциядорнинг қарори билан пул мукофотини олиш ҳуқуқига эга.

44. Ушбу низом талабларини бузганликда айбор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

45. Агар ушбу Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва ёки Жамият Уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз куучини йўқотган деб ҳисобланиб, ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилмагунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ёки Жамият уставининг нормалари билан тартибга солинади.